

Нажмиддин Комилов «СОҚИЁ, ТАЛХ ЎЛДИ АЙШИМ ҲАЖР БЕДОДИ БИЛА»



Афтидан, бу Алишер Навоийнинг ўз ҳаёти билан боғлиқ воқеаларни акс эттирувчи ғазаллардан бири. Чунки унда яқин кишисидан ажралиб, шодлиги ғамга мубаддал бўлган, қаттиқ қайғу чеккан одамнинг ҳасрат-ўкинчлари, бевафо ва бебақо дунё, унинг нотанти ишларидан норози қалбнинг нидоси ифодаланган. Классик шоирлар ўз андуҳлари, шахсий кечинмаларини ҳам анъанавий образларда, умумий тарзда баён қилишни маъқул кўрганлар, лекин, шундай бўлишига қарамай, ушбу шеърда анъанавий ифода-истиоралар замирида самимий инсоний дард, мотамзада юракнинг фиғон-ҳасрати, нохуш кайфиятини ҳис этамиз. Бироқ, ғазал гарчи андуҳли оҳангда бошланиб, унда навоиёна ўртаниш — ёнишлар ғулғуласи авж пардада кўкда ўрлаган бўлса-да, асар мақтаъига келиб умумий умидворлик, илоҳий ишққа дахлдорлик туйғуси қалбга сингади.

Шоир ғазални жудолик дардидан бегоҳат дилнинг ғалаёнини тасвирлаш билан бошлайди:

*Соқиё, талх ўлди айшим ҳажр бедоди била,
Тут ачиғ майким, ичай Мирзо Чучук ёди била.*

Агар «мирзо чучук ёди» деган маълумот бўлмаганида, байтни одатдаги ошиқона мазмунли шеърлар қаторида таҳлил қилган бўлардиқ, яъни ошиқнинг ҳижрондаги изтироблари сифатида талқин этардиқ. Албатта, бу ерда ҳам айрилиқ ҳақида гап боради, аммо бу бошқа хилдаги айрилиқ. Шоир суфиёна ишқи илоҳий ёхуд севгилисидан ажралган одам кечинмасини эмас, балки меҳр қўйган, азиз тутган одамни йўқотган кишининг ҳолатини қаламга олади. Хўш, мирзо деб Навоий кимни назарда тутган? Ё у Мирзо Чучук лақабли одаммикин? «Бадоеъ-ул бидоя» ва «Ғаройиб-ус сиғар» давонларининг 1988 йилги нашрида ҳақиқатдан ҳам бу Мирзо Чучук тарзида ёзилиб, номлар кўрсаткичида тарихий шахслар қаторида зикр этилган. Лекин бу одам ким? У қайси тоифадан, нима билан шуғулланган, Навоийга қандай алоқаси борлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот келтирилмаган. Шоир ҳаётига оид тадқиқотларда ҳам бундай маълумот йўқ, унинг бошқа асарларида эса бу номни учратмадик. Фикримизча, бу байтда Навоий Мирзо Чучук лақабли одамни эмас, Мирзо исмли шахсни назарда тутиб, унинг бевақт вафотидан ғоят қайғураётганини изҳор этган. Яъни «Мирзо Чучук ёди билан» деб эмас, балки «Мирзонинг чучук ёди билан» тарзида ўқишимиз керак. Байтдаги «талх» (аччиқ) ва «чучуқ» сўзларининг бир-бирига зид қўйилиши ҳам шунга ишора: Мирзонинг ширин ёди билан аччиқ май ичай. Бу одам Самарқандда яшаган ва Навоийнинг меҳру муҳаббатини қозонган, ёшлигида вафот этган истеъдодли шоир Мирзобек бўлиши ҳам, жувонмарг Мўмин Мирзо бўлиши ҳам мумкин. Аммо ғазал «Бадоеъ-ул бидоя» ва «Ғаройиб-ус сиғар»

девоңларига киритилганидан, у самарқандлик Мирзобек Вафойи хотирасига бағишланган, деган техминимиз тўғрироқ бўлиб чиқади. Энди байтнинг мазмунини келтирамиз: «Эй соқий, айрилиқнинг зулмидан ҳаётим майи, яъни турмушим аччиқ бўлди, сен ҳам менга аччиқ май тут, токи Мирзонинг ширин ёди билан ичайин». Май бу ерда оддий шароб ҳам, рухий сархушлик тимсоли илоҳий маърифат нури ҳам эмас. Бу инсоний кайфиятнинг, рухий изтиробларнинг йиғма ифодаси — ғаму ҳасрат рамзи. Шундай қилиб, май фақат шодлик ва сурур, дилхушлик ифодасигина эмас, мотамзадалик, андуҳнинг ҳам ифодасидир. Фарқ шундаки, «айшнинг талх» ўлишини ифодаловчи май «аччиқ май»дир.

Иккинчи байт:

*Сипқориб жоми сипехр, ақдоҳин айлай рез-рез,
Неча чеккайман забунлуғ чарх бедоди била.*

«Сипехр»—осмон, фалак; «ақдох» — қадахлар. Шоир бу сўзлар воситасида ажойиб истиорали тасвир яратган: осмон жомида май ичиб, унинг қадахлариини майда-майда қилиб ташлайман, дейди у. Қадимгиларнинг тасаввурида осмон етти қаватдан иборат. Навоий ана шу қаватларнинг ҳар бирини бир қадах деб олади ва шўришу ошўбим шунчалик зўрки, осмон жомини синқориб, қабатлари — қадахларини чил-чил қилиб синдириб ташлайман, дейди у. Чунки чархи фалак — осмоннинг зулми ҳаддидан ошган, қачонгача ундан алам, хорлик чекиш мумкин? «Ҳажр бедоди»ни шоир «чарх бедоди» билан боғлайди, зеро дўстни дўстдан жудо этган, бир дам шодликни раво кўрмайдиган ғаддор душман шу забун (паст) ва ситамгар чарх-да! Бу ўринда шундай савол туғиладики, Навоийнинг фалакка қарши бош кўтариши, исёни унинг тасаввуфий эътиқодига зид эмасми? Ахир осмону фалакни ҳам Аллоҳ яратган-ку. Буни англаш учун «тақдир» истилоҳининг маъносини билишимиз лозим. Тақдир ёки тақдири азалий — бу киши ҳаёти, фаолиятининг худо томонидан олдиндан белгиланиши демак. Бу тушунча тасаввуфда кенгроқ маънода талқин қилинади: Мутлақ рух томонидан ажралган моддий дунё ўзи мустақил ҳаракат қила бошлайди, одам фарзанди ана шу моддий дунёдан жабр кўради, Мутлақиятнинг ўзидан эмас. Демак, Навоий осмонга қарши ғабзкор норозилик изҳор этганда, тангрига қарши эмас, балки ҳамма вақт инсонни азоб гирдобларида тутадиган, ўз муроди бўйича яшашга имкон бермайдиган чархи фалакка қарши чиққан бўлади.

*Зухд кўнглум кўзгусин қилмиш муқаддар, эй ҳариф,
Синдирурмен тавба пири итиқ иршоди била.*

«Зухд» — парҳез, тийинишузлат. «Ҳариф»—сухбатдош, дўст. «Иршод»—тўғри йўл кўрсатиш, хидоят. «Муқаддар»— ғуборли, қора, гамгин. Байтнинг маъноси турур: «Зухд, яъни зоҳидона тавба-тазарруъ кўнглимнинг кўзгусини ғуборлик қилибди, эй дўст, бундай тавбани ишқ пирининг раҳнамолигида синдириб ташлайман.» Шоир куруқ, сохта зоҳидлик билан илоҳий ишқ майидан баҳрамандликни қарама-қарши қўяди, чунки зоҳидлар фақат тавба билан чегараланар, илоҳиётни дарк этишнинг орифона лаззатидан беҳабар эдилар. Ҳақиқий суфийнинг кўнгил кўзгуси илоҳиёт майидан тавба қилиш аксинча кўнгилни хиралаштиради, Тавба тасаввуфда ҳам бор, аммо унда бу тушунча тариқат йўлига киришнинг биринчи босқичи, ҳаром-ҳалолдан тийинишни англатади. Зоҳид тавбаси, шундай қилиб, тараққий топмаган, намоийшқорона тавбадир. Осмон қадахларини «синдириш» билан зухд тавбасини «синдириш» орасида алоқа борми? Агар зоҳидлик билан осмон, яъни дунё ва дунёпарастликни алоқадор деб ҳисобласак, унда осмон қадахини синдириш билан зухд тавбасини синдириш ҳам алоқадор бўлиб чиқади.

*Бевафолик гар будурким қилди ул тўх, эй кўнгул,
Сирфа қилмас ошнолиг одам авлоди била.*

Бу байтнинг маъноси «сирфа» сўзининг («Ғаройиб-ус сиғар» девонининг 1959 йилги ва «Бадоеъ-ул бидоя»нинг 1988 йилги нашрида мазкур сўз шу кўринишда чоп этилган) маъносини англаш орқали билиб олинади. Алишер Навоий асарларининг изоҳли луғатида «сирфа» — жабр, зулм, жафо деб тушунтирилган ва ушбу байт мисол қилиб келтирилган. «Фарҳанги забони тожик» луғатида мазкур сўз йўқ, балки «сирф» сўзи борким, унинг маъноси холис, соф, фақат, ҳечдир. «Ғиёс-ул луғот»да ҳам сирф (сирфа сўзи йўқ) сўзи шу хилда изоҳланган. Зулм, жабр маъносини қўйиб кўрайликчи: «Эй кўнгил, бевафолик агар ул шўх қилган даражада бўлса, зулм (жабр) қилмас ошнолик одам авлоди била». Кўриниб турибдики, маъно чиқмади: зулмнинг ошнолик қилиши ёки қилмаслиги мантиқсизлик. Энди «холис», «соф», «ҳеч» сўзларини қўллаймиз: «Бевафолик агар ул шўх қилганчалик бўлса, холис (соф) қилмас ошнолик одам авлоди била» ёки: «Бевафолик агар ўша шўх қилганчалик бўлса, ҳеч қилмас ошнолик одам авлоди била». Бу жумлаларда ҳам аниқ маъно йўқ, байт китобхон учун жумбоқ бўлиб тураверади.

«Ғиёс-ул луғот»да мазкур сўзнинг сарв ва сарфа шакллари ҳам келтирилиб, изоҳланган. Сарф — олтин ва қумушни саралаш, харажат қилиш, сарфлаш, шунингдек, бута, хийла ва ходиса, замоннинг айланиши, умуман айланиш ва бирор нарсанинг тўнтарилиши. Сарфа — ёруғ юлдуз, у Ой манзилларидан ўн иккинчисининг номидир; бахиллик, хасисликни билдиради: хийла ва мақр, зиждалик рамзи. Бу маъноларнинг қайси бири Навоий байтига мос келади. Агар феъл сўзини оладиган бўлсак, сарфлаш, харажат қилиш, агар равишни оладиган бўлсак, сира, ҳеч, агар от сўз керак бўлса, юлдуз, фалак маъносида олишимиз мумкин. Сарфлаш маъносида: «ул шўхнинг бевафолиги — жабру ситами шунақа бўлса, у одам авлоди билан ошнолик қилмайди, яъни одам авлодига ошнолигини сарфламайди». Бунда «ул шўх» — пари, руҳ, умуман реал бўлмаган хилқат сифатида англашилади. Сира маъносида: «Агар ул шўхнинг бевафолиги шунақа бўлса, у одам авлоди билан сира ҳам ошнолик қилмайди». Юлдуз маъносида: «Бевафолик агар ул шўх қилганчалик бўлса, Сарфа, яъни юлдуз одам авлоди билан ошнолик қилмайди». «Сарфа» сўзининг яна тежаш, фойда маънолари ҳам бор: «Агар бевафолик ул шўх қилганчалик бўлса, одам авлодига ошноликни тежамайди» ёки: «Бевафолик агар шу бўлса, яъни у шўх қилганчалик бўлса, одам авлоди билан ошнолик фойда қилмайди». Кейинги талқинда маъно борга ўхшайди, дарҳақиқат, маҳбубанинг бевафолигини кўрган лирик қаҳрамон «Одам боласи билан ошнолик қилишнинг фойдаси йўқ экан», деган хулосага келиб, ҳафсаласи пир бўлиши мумкин. Шунинг учун «Ғаройиб-ус сиғар»нинг янги нашрида «сирфа» сўзининг «сарфа» деб тузатилганини маъқуллаш лозим.

Навоий ўлимни – айрилиқ деб, ошиққа зулм, деб олар экан, уни бевафолик ҳам деб атайди. Ошиқни доғда қолдириб, ташлаб кетиш чархнинг, замонанинг бевафолиги, ситамидан бир нишона бу. Шу нуқтада «сарфа» сўзининг замон айланиши, юлдуз (чархи фалак тимсоли), хийла, мақр, хасислик маънолари ҳам туташади. Фалак одам авлоди билан ошнолик қилмайди, пари одам авлоди билан ошнолик қилмайди ва хоказо.

*Ваҳки синди нахли уммедим, хушо ул боғбон,
Ким эрур хушҳол бир навраста шамшоди била.*

Маъноси: «Умидим ниҳоли синди эвоҳ, нобуд бўлди. Кўқарган шамшоди билан хушҳолу хурсанд юрган боғбонга ҳавасим келади, қандай яхши!» Аламли ўқинч ва дард бор бу мисраларда — нахли уммадини йўқотгаи одамнинг ичидан отилиб чиққан ўкирик ва бошқаларга нигоҳ ташлаб таскин топиши бор. Унинг ниҳоли синган, умидлари чилпарчин, аммо бошқа боғбонларнинг иҳоли кўқарган, улар шод. Бу ҳасад эмас, умидли

нигоҳ, ҳаётга, абадиятга боғланиш, ҳаёт абадиятини ҳис этиш. Байтдаги «синди» сўзи олдин ўқиганимиз «рез-рез», «синдиурман» сўзларини эсга солади. Синиш — ўлим, синиш — исён, синиш — тоқатсизлик, руҳий зилзила. Фалак зулми, ажал шамоли унинг умид ниҳолини синдирди, у бўлса бир ғазабга келиб, осмон қабатларини синдиришга чоғланади, бир аччиқ-аччиқ ҳасрат майини сипқоради, бир «навраста шамшоди»дан хушқол боғбонларга қараб таскин топади. Шу-да инсоннинг аҳволи, унинг қўлидан бошқа нима ҳам келарди? Шоир аламзада одамнинг руҳий аҳволидаги ўзгаришлар, тўлқинларни бир нечта шеърӣ байтда ана шундай теранлик билан чизади. Кейинги байтларда таскин оҳанги, ноиложлик, ночорлик давом эттирилган.

Масалан, олтин байт:

*Чун худо Лайли қулоқин ёлқитур, Мажнун, не суд
Тоғни гар келтирур афғонга фарёди била.*

Яъни: «Эй Мажнун, фарёдинг билан тоғни келтирганингдан нима фойда. Лайлининг қулоғига туякашларнинг хиргойиси ёқмаяпти». Шоир ўзининг оху ноласидан пушаймон, чунки бўзлаб дод солишлар, фалакнинг гирибонидан олиш ҳеч бир нафъ келтирмайди, ҳеч ким уни эшитмайди. Ҳатто Лайли ва Мажнуннинг фарёдларидан туйган. Навоӣ инсоннинг қаршисида ожизлигини таъкидламоқчи. Ўқириқлар беҳуда, ундаи кўра муаззам, беҳудуд ишқ саҳросига қадам қўй, ўзингни шу билан овут — нажот шунда, деб уқтиради у:

*Эй Навоӣ, ишқ саҳросида худ қўйдинг қадам,
То нечук лошқайсан ул поёни йўқ водий била.*

Ишқ водийси — илоҳӣ даргоҳ ҳузурӣ бир-биридан ажралган дўстларнинг васлга эришадиган, дийдор кўришадиган жойи. Инсон руҳи ўз маҳрамини излаб топади. Навоӣ ва унинг замондошларининг ишонч-иймони шундай эди. Шу сабабли шоир ишқ водийсига кирдингми, имиллама, олдинга интил, деб жаҳд этади. Яъни: «Эй Навоӣ, ишқ саҳросига қадам қўйганингдан кейин, энди нега бўшашасан («лошқайсан» — қадимги туркий сўз бўлиб, бўшашмоқ, имилламоқ маъноларини билдиради), поёни йўқ бу водийда». Ғазал Навоӣга хос шундай мантиқӣ якун — шоирона руҳбахш оҳанг билан ниҳоясига етган.



Najmiddin Komilov
«SOQIYO, TALX O’LDI AYSHIM
HAJR BEDODI BILA»



Aftidan, bu Alisher Navoiyning o'z hayoti bilan bog'liq voqealarni aks ettiruvchi g'azallardan biri. Chunki unda yaqin kishisidan ajralib, shodligi g'amga mubaddal bo'lgan, qattiq qayg'u chekkan odamning hasrat-o'kinchlari, bevafo va bebaqo dunyo, uning notanti ishlaridan norozi qalbning nidosi ifodalangan. Klassik shoirlar o'z anduhlari, shaxsiy kechinmalarini ham an'anaviy obrazlarda, umumiy tarzda bayon qilishni ma'qul ko'rganlar, lekin, shunday bo'lishiga qaramay, ushbu she'rda an'anaviy ifoda-istioralar zamirida samimiy insoniy dard, motamzada yurakning fig'on-hasrati, noxush kayfiyatini his etamiz. Biroq, g'azal garchi anduhli ohangda boshlanib, unda navoiyona o'rtanish — yonishlar g'ulg'ulasi avj pardada ko'kda o'rlagan bo'lsa-da, asar maqta'iga kelib umumiy umidvorlik, ilohiy ishqqa daxldorlik tuyg'usi qalbga singadi.

Shoir g'azalni judolik dardidan betoqat dilning g'alayonini tasvirlash bilan boshlaydi:

*Soqiyo, talx o'ldi ayshim hajr bedodi bila,
Tut achig' maykim, ichay Mirzo Chuchuk yodi bila.*

Agar «mirzo chuchuk yodi» degan ma'lumot bo'lmaganida, baytni odatdagi oshiqona mazmunli she'rlar qatorida tahlil qilgan bo'lardik, ya'ni oshiqning hijrondagi iztiroblari sifatida talqin etardik. Albatta, bu yerda ham ayriliq haqida gap boradi, ammo bu boshqa xildagi ayriliq. Shoir sufiyona ishqi ilohiy yoxud sevgilisidan ajralgan odam kechinmasini emas, balki mehr qo'ygan, aziz tutgan odamini yo'qotgan kishining holatini qalamga oladi. Xo'sh, mirzo deb Navoiy kimni nazarda tutgan? YO u Mirzo Chuchuk laqabli odammikin? «Badoe'-ul bidoya» va «G'aroyib-us sig'ar» davonlarining 1988 yilgi nashrida haqiqatdan ham bu Mirzo Chuchuk tarzida yozilib, nomlar ko'rsatkichida tarixiy shaxslar qatorida zikr etilgan. Lekin bu odam kim? U qaysi toifadan, nima bilan shug'ullangan, Navoiyga qanday aloqasi borligi haqida hech qanday ma'lumot keltirilmagan. Shoir hayotiga oid tadqiqotlarda ham bunday ma'lumot yo'q, uning boshqa asarlarida esa bu nomni uchratmadik. Fikrimizcha, bu baytda Navoiy Mirzo Chuchuk laqabli odamni emas, Mirzo ismli shaxsni nazarda tutib, uning bevaqt vafotidan g'oyat qayg'urayotganini izhor etgan. Ya'ni «Mirzo Chuchuk yodi bilan» deb emas, balki «Mirzoning chuchuk yodi bilan» tarzida o'qishimiz kerak. Baytdagi «talx» (achchiq) va «chuchuk» so'zlarining bir-biriga zid qo'yilishi ham shunga ishora: Mirzoning shirin yodi bilan achchiq may ichay. Bu odam Samarqandda yashagan va Navoiyning mehru muhabbatini qozongan, yoshligida vafot etgan iste'dodli shoir Mirzobek bo'lishi ham, juvonmarg Mo'min Mirzo bo'lishi ham mumkin. Ammo g'azal «Badoe'-ul bidoya» va «G'aroyib-us sig'ar» devonlariga kiritilganidan, u samarqandlik Mirzobek Vafoyi xotirasiga bag'ishlangan, degan texminimiz to'g'riroq bo'lib chiqadi. Endi baytning mazmunini keltiramiz: «Ey soqiy, ayriliqning zulmidan hayotim mayi, ya'ni turmushim achchiq bo'ldi, sen ham menga achchiq may tut, toki Mirzoning shirin yodi bilan ichayin». May bu yerda oddiy sharob ham, ruhiy sarxushlik timsoli ilohiy ma'rifat nuri ham emas. Bu insoniy kayfiyatning, ruhiy iztiroblarning yig'ma ifodasi — g'amu

hasrat ramzi. Shunday qilib, may faqat shodlik va surur, dilxushlik ifodasigina emas, motamzadalik, anduhning ham ifodasidir. Farq shundaki, «ayshning talx» o'lishini ifodalovchi may «achchiq may»dir.

Ikkinchi bayt:

*Sipqorib jomi sipehr, aqdohin aylay rez-rez,
Necha chekkayman zabunlug' charx bedodi bila.*

«Sipehr»—osmon, falak; «aqdoh» — qadahlar. Shoir bu so'zlar vositasida ajoyib istiorali tasvir yaratgan: osmon jomida may ichib, uning qadahlariiii mayda-mayda qilib tashlayman, deydi u. Qadimgilarning tasavvurida osmon yetti qavatdan iborat. Navoiy ana shu qavatlarining har birini bir qadah deb oladi va sho'rishu osho'bim shunchalik zo'rki, osmon jomini sinqorib, qabatlari — qadahlarini chil-chil qilib sindirib tashlayman, deydi u. Chunki charxi falak — osmonning zulmi haddidan oshgan, qachongacha undan alam, xorlik chekish mumkin? «Hajr bedodi»ni shoir «charx bedodi» bilan bog'laydi, zero do'stni do'stdan judo etgan, bir dam shodlikni ravo ko'rmaydigan g'addor dushman shu zabun (past) va sitamgar charx-da! Bu o'rinda shunday savol tug'iladiki, Navoiyning falakka qarshi bosh ko'tarishi, isyoni uning tasavvufiy e'tiqodiga zid emasmi? Axir osmonu falakni ham Alloh yaratgan-ku. Buni anglash uchun «taqdir» istilohining ma'nosini bilishimiz lozim. Taqdir yoki taqdiri azaliy — bu kishi hayoti, faoliyatining xudo tomonidan oldindan belgilanishi demak. Bu tushuncha tasavvufda kengroq ma'noda talqin qilinadi: Mutlaq ruh tomonidan ajralgan moddiy dunyo o'zi mustaqil harakat qila boshlaydi, odam farzandi ana shu moddiy dunyodan jabr ko'radi, Mutlaqiyatning o'zidan emas. Demak, Navoiy osmonga qarshi g'azabkor norozilik izhor etganda, tangriga qarshi emas, balki hamma vaqt insonni azob girdoblarida tutadigan, o'z murodi bo'yicha yashashga imkon bermaydigan charxi falakka qarshi chiqqan bo'ladi.

*Zuhd ko'nglum ko'zgusin qilmish muqaddar, ey harif,
Sindirurmen tavba piri itiq irshodi bila.*

«Zuhd» — parhez, tiyinish uzlat. «Harif»—suhbatdosh, do'st. «Irshod»—to'g'ri yo'l ko'rsatish, hidoyat. «Muqaddar»— g'uborli, qora, gamgin. Baytning ma'nosi turur: «Zuhd, ya'ni zohidona tavba-tazarru' ko'nglimning ko'zgusini g'uborlik qilibdi, ey do'st, bunday tavbani ishq piringning rahnamoligida sindirib tashlayman.» Shoir quruq, soxta zohidlik bilan ilohiy ishq mayidan bahramandlikni qarama-qarshi qo'yadi, chunki zohidlar faqat tavba bilan chegaralanar, ilohiyotni dark etishning orifona lazzatidan bexabar edilar. Haqiqiy sufiyning ko'ngil ko'zgusi ilohiyot mayidan tavba qilish aksincha ko'ngilni xiralashtiradi, Tavba tasavvufda ham bor, ammo unda bu tushuncha tariqat yo'liga kirishning birinchi bosqichi, harom-haloldan tiyinishni anglatadi. Zohid tavbasi, shunday qilib, taraqqiy topmagan, namoyishkorona tavbadir. Osmon qadahlarini «sindirish» bilan zuhd tavbasini «sindirish» orasida aloqa bormi? Agar zohidlik bilan osmon, ya'ni dunyo va dunyoparastlikni aloqador deb hisoblasak, unda osmon qadahini sindirish bilan zuhd tavbasini sindirish ham aloqador bo'lib chiqadi.

*Bevafolik gar budurkim qildi ul to'x, ey ko'ngul,
Sirfa qilmas oshnolig odam avlodi bila.*

Bu baytning ma'nosi «sirfa» so'zining («G'aroyib-us sig'ar» devonining 1959 yilgi va «Badoe'-ul bidoya»ning 1988 yilgi nashrida mazkur so'z shu ko'rinishda chop etilgan) ma'nosini anglash orqali bilib olinadi. Alisher Navoiy asarlarining izohli lug'atida «sirfa»— jabr, zulm, jaf o deb tushuntirilgan va ushbu bayt misol qilib keltirilgan. «Farhangi zaboni tojik» lug'atida mazkur so'z yo'q, balki «sirf» so'zi borkim, uning ma'nosi xolis, sof, faqat, hechdir. «G'iyos-ul lug'ot»da ham sirf (sirfa so'zi yo'q) so'zi shu xilda izohlangan. Zulm, jabr ma'nosini qo'yib

ko'raylikchi: «Ey ko'ngil, bevafoqlik agar ul sho'x qilgan darajada bo'lsa, zulm (jabr) qilmas oshnolik odam avlodi bila». Ko'rinib turibdiki, ma'no chiqmadi: zulmning oshnolik qilishi yoki qilmasligi mantiqsizlik. Endi «xolis», «sof», «hech» so'zlarini qo'llaymiz: «Bevafoqlik agar ul sho'x qilganchalik bo'lsa, xolis (sof) qilmas oshnolik odam avlodi bila» yoki: «Bevafoqlik agar o'sha sho'x qilganchalik bo'lsa, hech qilmas oshnolik odam avlodi bila». Bu jumalarda ham aniq ma'no yo'q, bayt kitobxon uchun jumboq bo'lib turaveradi.

«G'iyos-ul lug'ot»da mazkur so'zning sarv va sarfa shakllari ham keltirilib, izohlangan. Sarf — oltin va kumushni saralash, xarajat qilish, sarflash, shuningdek, buta, hiyla va hodisa, zamonning aylanishi, umuman aylanish va biror narsaning to'ntarilishi. Sarfa – yorug' yulduz, u Oy manzillaridan o'n ikkinchisining nomidir; baxillik, xasislikni bildiradi: hiyla va makr, zijdalik ramzi. Bu ma'nolarning qaysi biri Navoiy baytiga mos keladi. Agar fe'l so'zini oladigan bo'lsak, sarflash, xarajat qilish, agar ravishni oladigan bo'lsak, sira, hech, agar ot so'z kerak bo'lsa, yulduz, falak ma'nosida olishimiz mumkin. Sarflash ma'nosida: «ul sho'xning bevafoqligi — jabru sitami shunaqa bo'lsa, u odam avlodi bilan oshnolik qilmaydi, ya'ni odam avlodiga oshnoligini sarflamaydi». Bunda «ul sho'x»—pari, ruh, umuman real bo'lmagan xilqat sifatida anglashiladi. Sira ma'nosida: «Agar ul sho'xning bevafoqligi shunaqa bo'lsa, u odam avlodi bilan sira ham oshnolik qilmaydi». Yulduz ma'nosida: «Bevafoqlik agar ul sho'x qilganchalik bo'lsa, Sarfa, ya'ni yulduz odam avlodi bilan oshnolik qilmaydi». «Sarfa» so'zining yana tejash, foyda ma'nolari ham bor: «Agar bevafoqlik ul sho'x qilganchalik bo'lsa, odam avlodiga oshnolikni tejamaydi» yoki: «Bevafoqlik agar shu bo'lsa, ya'ni u sho'x qilganchalik bo'lsa, odam avlodi bilan oshnolik foyda qilmaydi». Keyingi talqinda ma'no borga o'xshaydi, darhaqiqat, mahbubaning bevafoqligini ko'rgan lirik qahramon «Odam bolasi bilan oshnolik qilishning foydasi yo'q ekan», degan xulosaga kelib, hafsalasi pir bo'lishi mumkin. Shuning uchun «G'aroyib-us sig'ar»ning yangi nashrida «sirfa» so'zining «sarfa» deb tuzatilganini ma'qullash lozim.

Navoiy o'limni – ayriliq deb, oshiqqa zulm, deb olar ekan, uni bevafoqlik ham deb ataydi. Oshiqni dogda qoldirib, tashlab ketish charxning, zamonaning bevafoqligi, sitamidan bir nishona bu. Shu nuqtada «sarfa» so'zining zamon aylanishi, yulduz (charxi falak timsoli), hiyla, makr, xasislik ma'nolari ham tutashadi. Falak odam avlodi bilan oshnolik qilmaydi, pari odam avlodi bilan oshnolik qilmaydi va hokazo.

*Vahki sindi naxli ummedim, xusho ul bog'bon,
Kim erur xushhol bir navrasta shamshodi bila.*

Ma'nosi: «Umidim niholi sindi evoh, nobud bo'ldi. Ko'kargan shamshodi bilan xushholu xursand yurgan bog'bonga havasim keladi, qanday yaxshi!» Alamli o'kmch va dard bor bu misralarda — naxli ummadini yo'qotgai odamning ichidan otilib chiqqan o'kirik va boshqalarga nigoh tashlab taskin topishi bor. Uning niholi singan, umidlari chilparchin, ammo boshqa bog'bonlarning iiholi ko'kargan, ular shod. Bu hasad emas, umidli nigoh, hayotga, abadiyatga bog'lanish, hayot abadiyatini his etish. Baytdagi «sindi» so'zi oldin o'qiganimiz «rez-rez», «sindirurman» so'zlarini esga soladi. Sinish — o'lim, sinish — isyon, sinish — toqatsizlik, ruhiy zilzila. Falak zulmi, ajal shamoli uning umid niholini sindirdi, u bo'lsa bir g'azabga kelib, osmon qabatlarini sindirishga chog'lanadi, bir achchiq-achchiq hasrat mayini sipqoradi, bir «navrasta shamshodi»dan xushhol bog'bonlarga qarab taskin topadi. Shu-da insonning ahvoli, uning qo'lidan boshqa nima ham kelardi? Shoir alamzada odamning ruhiy ahvolidagi o'zgarishlar, to'qlinlarni bir nechta she'riy baytda ana shunday teranlik bilan chizadi. Keyingi baytlarda taskin ohangi, noilojlik, nochorlik davom ettirilgan.

Masalan, oltin bayt:

*Chun xudo Layli quloqin yolqitur, Majnun, ne sud
Tog'ni gar keltirur afg'onga faryodi bila.*

Ya'ni: «Ey Majnun, faryoding bilan tog'ni keltirganingdan nima foyda. Laylining qulog'iga tuyakashlarning xirgoyisi yoqmayapti». Shoir o'zining ohu nolasidan pushaymon, chunki bo'zlab dod solishlar, falakning giribonidan olish hech bir naf keltirmaydi, hech kim uni eshitmaydi. Hatto Layli va Majnunning faryodlaridan tuygan. Navoiy insonning qarshisida ojizligini ta'kidlamoqchi. O'kiriklar behuda, undai ko'ra muazzam, behudud ishq sahrosiga qadam qo'y, o'zingni shu bilan ovut — najot shunda, deb uqtiradi u:

*Ey Navoiy, ishq sahrosida xud qo'yding qadam,
To nechuk loshkaysan ul poyoni yo'q vodiy bila.*

Ishq vodiysi — ilohiy dargoh huzuri bir-biridan ajralgan do'stlarning vaslga erishadigan, diydor ko'rishadigan joyi. Inson ruhi o'z mahramini izlab topadi. Navoiy va uning zamondoshlarining ishonch-iymoni shunday edi. Shu sababli shoir ishq vodiysiga kirdingmi, imillama, oldinga intil, deb jahd etadi. Ya'ni: «Ey Navoiy, ishq sahrosiga qadam qo'yganingdan keyin, endi nega bo'shshasan («loshkaysan» — qadimgi turkiy so'z bo'lib, bo'shshamoq, imillamoq ma'nolarini bildiradi), poyoni yo'q bu vodiya». G'azal Navoiyga xos shunday mantiqiy yakun — shoirona ruhbaxsh ohang bilan nihoyasiga yetgan.